

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАСУЛОВ МИРЗОҲИД РАСУЛОВИЧ

**ТИЗЗА ҚОПҚОҒИНИНГ ОДАТИЙ ЧИҚИШИНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD)

Расулов Мирзохид Расулович

Тизза қопқоғининг одатий чиқишини хирургик даволаш

услугларини такомиллаштириш3

Расулов Мирзохид Расулович

Усовершенствование хирургического лечения

привычного вывиха надколенника21

Rasulov Mirzohid Rasulovich

Improving Surgical Treatment

habitual dislocation of the patella.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАСУЛОВ МИРЗОХИД РАСУЛОВИЧ

**ТИЗЗА ҚОПҚОҒИНИНГ ОДАТИЙ ЧИҚИШИНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Tib1051 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzniito.uz), «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги порталида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ирисметов Муроджон Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Коструб Александр Алексеевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Украина)

Шорустамов Мухаммаджон Таджиалиевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёти институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.П. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Тизза қопқоғининг одатий чиқиши асосан медиал ва олд бутсимон боғламларнинг узилиши хисобига шаклланувчи ва оёқ функцияларининг қўпол бузилишларига олиб келувчи оғир шикастланиш турига киради. Ушбу жароҳат натижасида бўғим фаолияти чекланади, унда ностабиллик ривожланади, бўғимда дегенератив ўзгаришлар ривожланишига, ногиронлик ва меҳнат қобилятининг чекланишига олиб келади. Ҳозирги кунда «...тизза қопқоғини одатий чиқиши бўғим жароҳатларининг 35%ини ташкил қилмоқда, 130дан ортиқ оператив даволаш усуллари мавжуд...» бўлишига қарамай, оператив ёки консерватив даволашдан сўнг «...қоникарсиз натижалар эса 3,3%дан 36%гача ташкил этади...»¹. Жарроҳлик амалиётидан кейинги рецидивлар, касаллик белгиларининг турлитуман ва ўхшашлиги, дегенератив жараённинг ривожланиши каби ҳолатлар хирургик даволашнинг тизза бўғимидаги юмшоқ тўқималари жароҳатларини тиклаган ҳолда самарали жарроҳлик амалиётини такомиллаштириш зарурати бугунги кунда долзарб муаммолардин биридир.

Жаҳонда тизза бўғими жароҳатларини эрта даврда артроскопия ёрдамида ташхислаш ва хирургик даволашни такомиллаштиришга бағишланган қатор илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: катта болдир суяги дўмбоқчасини медиализациялаш; сон мушаги ташқи боғламини бўшатилиши; сон суягида аутотрансплантантни мустаҳкамлаш орқали тизза қопқоғини медиализация қилиш; lig. gracilis трансплантати ёрдамида медиал тизза қопқоғи боғламини қайта тиклаш; одатий чиқишнинг тиззада вальгусли деформацияси билан бирга кечган ҳолатларида сон суяги дистал қисмида очиқ понасимон варусловчи остеотомиясини ўтказиш йўли билан даволаш каби илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида касб этмоқда. Шулар билан бирга, оператив даволаш усуллари натижаларининг самараси етарли даражада эмаслиги туфайли тизза қопқоғининг одатий чиқишини даволашда жарроҳлик усулларини оптималлаштириш муҳим ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда тиббий хизматни жаҳон андозалари талаблари даражасига мослаштириш, жумладан тизза бўғими шикастлари ва ортопедик патологияларини эрта ва аниқ ташхислаб, оптимал даволаш услубларни қўллаш чора-тадбирлари юклатилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, «...соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва аҳолини жисмоний фаоллик даражасини кўтариш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тизза қопқоғи одатий чиқишини анатомик-функционал тиклаш даражасида даволаш травматология ва ортопедиянинг энг долзарб йўналишларидан бири бўлиб, асоратларини олдини олиш, замонавий технологияларни тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Афанасьев А. П. //Лечение пациентов с первичным латеральным вывихом надколенника. //Автореф. дис...канд. мед. наук. – М., 2012. – 18 с.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йилнинг 07 декабридаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тизза қопқоғининг одатий чиқишини даволашга бағишланган қатор илмий тадқиқотлар медиал ушлаб турувчи боғламларнинг икки занжирли *m.semitendinosus* аутотрансплантати билан қайта тиклаш услублари, сон суягининг эпифизар соҳаси ёпилмаганда унинг дистал қисми остеотомияси ва юмшоқ тўқималарни қайта тиклашга қаратилган (Kwak G.H., Sim G.A, Kim R.K., 2011; Kumahashi N., Kuwata S., Tadenuma T., 2012; Tsuda E, Ishibashi Y., Yamamoto Y., 2012; Zhao J., Huangfu X., Ht Y., 2012; Camp Cl., Heidenreich MJ., Dahm DL., 2016). Бинобарин, бугунги кунда фойдаланиладиган анъанавий усулларнинг тизза бўғимини эрта реабилитация қилиш имконияти етарли эмас, натижалар кўп ҳолатларда сон ва болдир юмшоқ тўқималари гипотрофиясига ва тизза бўғими иммобилизацион контрактурасига олиб келяпти (Буравцов П.П., Гореванов Э.А., Мурасидинов С.О., 2006; Буравцов П.П., 2007; Гнелица Н.Н., 2009; Карасева Т.Ю., Карасев Е.А., 2011; Новиков Д.А., Сучилин И.А., 2011; Жук Е.В., 2015). Тизза қопқоғининг енгил ва ўрта даражали одатий ва рецидив чиқишларида миофасциопластик усуллардан фойдаланилмоқда. Соннинг ташқи буралишида, унинг ўқи деформацияларида, 150°дан кўп бўлмаган букилиш контрактураси аниқланган ҳолатларда сон суяги дўнги устидан тикловчи Тренделенбург усули бўйича остеотомия ўтказилган, бунда фиброз қобиги ва *m.gracilis* пай боғлами тизза қопқоғи латерал томондан кесилади (Фридланд усули), медиал томондан кесилиши (Бондаренко усули) билан мустаҳкамланади (Буравцов П.П., Гореванов Э.А., Мурасидинов С.О, 2006; Шевцов В.И., Буравцов П.П., 2007; Гнелица Н.Н., 2009; Клименко И.Г., 2013; Boddula M.R., Adamson G.J., Pink M.M., 2014).

Мамлакатимизда тизза бўғими шикастланиши муаммосига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда; диагностика усуллар ва артроскопик техника такомиллашган, менисклар жароҳати диагностика қилинишида артроскопия усулининг афзаллиги исбот қилинган (А.Ш. Хамраев, 2001); тизза бўғимининг букилиш контрактурасини оператив даволаш усуллари ва операциядан кейинги реабилитация усуллари (М.Э. Ирисметов, 2016)

такомиллаштирилган. Хакимов Р.Н. фикрича (2004), артроскопия операциядан кейинги асоратлар камайишига сабаб бўлади, бўғим тоғайини чуқур туннелизация қилиш тизза бўғими артрозини даволаш жараёнида қайта тикланишига ёрдам беради. Каримов М.Ю., Холмуродов У.Т.лар (2019) ўз тадқиқотида тизза бўғими шикастланишидаги ўткир даврда эрта артроскопия қилиниши муҳимлигини исботлаб берган. Тизза қопқоғининг диспластик генезли латерал ностабиллигини малоинвазив хирургик даволаш усуллари такомиллаштирилган (Эшназаров К.Э., 2018; Каримов М.Ю., Маматкулов К.М., 2019). Ирисметов М.Э., Усмонов Ф.М. (2020) ўзининг илмий тадқиқотида олд бутсимон боғлам жароҳати икки боғламли лавсанопластика усулини ишлаб чиққан, унинг афзалликларини исботланган. Шунга қарамай, тизза қопқоғи одатий чиқишини жаррохлик йўли билан даволаш тактикаси етарли даражада такомиллаштирилмаган ва илмий асослаб берилмаган.

ТҚ одатий чиқишини оператив даволашдаги асосий усуллари юмшоқ тўқималар ва суякларда биргаликда ўтказилади, лекин юмшоқ тўқималарни жароҳатланиш даражаси ва тизза қопқоғини силжиш даражасини ҳисобга олувчи усуллар мавжуд эмас. Диагностика ва даволаш усулларини танлашда, кўпчилик муаллифлар томонидан артроскопик диагностика ва даволаш усулларига афзаллик билдирилади, чунки артроскопия аралашуви энг кам жароҳат етказувчи ҳисобланади (Раҳманкулов Э.Н., 2007; Карасева Т.Ю., Карасев Е.А., 2011) ҳамда патология даражасини аниқлашда юқори даражали ишончилилик билан кейинги даволаш жараёнига кўрсатма беради (Yamamoto R.K. 1986; Wu L.C., Zhou H.V. Zhang., 2017). Адабиётлар таҳлилига кўра, тизза бўғими медиал юзаси юмшоқ тўқималари патологиясини оператив даволашга доир бўлган усуллар, тизза қопқоғини стабилизациялашда кам самарадорлилик, даволашдаги қоникарсиз натижаларнинг тез-тез учраб туриши, стабилизациялашнинг дифференциал жаррохлик усуллари тўлиқ ёритилмаганлиги самарали ва хавфсиз ташқи фиксация аппаратлари ёрдамида жаррохлик даволаш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассаса иш режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТСС-7.1. «Ортопедик касалликларни даволашда янги замонавий усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тизза қопқоғи одатий чиқишини бўғимнинг медиал юмшоқ тўқималарини дифференциал тиклаш орқали хирургик даволаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизза қопқоғи одатий чиқишини оператив даволашнинг ретроспектив таҳлилини ўтказиш ва дифференциал баҳолаш;

тизза қопқоғи одатий чиқишини даволашда унинг силжиши ва медиал юзасидаги юмшоқ тўқималар жароҳати даражаларини аниқлаш;

тизза қопқоғи одатий чиқиши таснифини такомиллаштириш ва математик формула ёрдамида дифференциал даволаш услубини танлаш;

тизза қопқоғининг силжиш даражасини ва медиал юзасидаги юмшоқ тўқималар жарохатини ҳисобга олиб, оператив даволаш усулларини оптималлаштириш;

тизза қопқоғи одатий чиқишлари мавжуд бўлган беморларда оператив даволашдан кейинги яқин ва узоқ натижаларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалиёт тиббиёт марказида 2005-2018 йилларда спорт травматологияси бўлимида даволанган 219 та беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиника лаборатор, магнит-резонанс томография (МРТ), электромиография (ЭМГ), ультратовуш (УТТ) ва рентгенологик текширув усуллари ва тадқиқотлар натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари илмий изланиш жараёнида клиник, антропометрик, рентгенологик, ЭМГ, УТТ, МРТ ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

посттравматик тизза қопқоғи одатий чиқишларини даволашда тизза қопқоғи медиал юзасида *m. gracilis* боғламини ўтказиш мақсадида туннел яратиш, тайёрланган пайдан ҳосил қилинган боғламни капсула ва ташқи фасцияни орасидан ўтказиб, сон суягини медиал думбоқчасига биодегидрогенизацияловчи шуруп ёрдамида тизза қопқоғини фиксациялашдан иборат бўлган жаррохлик усули ишлаб чиқилган;

тизза қопқоғи одатий чиқишини даволашда унинг силжиш даражаси ва йўналиши, доимий ёки қайталанувчилиги каби ҳолатларни ўз ичига олган ҳолда ишлаб чиқилган тасниф ва баллар йиғиндисининг мезонлар сонига нисбатига асосланган ишлаб чиқилган формула ёрдамида аниқланган оператив даволаш турини танлаш тактикаси ижобий даволаш натижаларига эришиш имконини яратиши исботланган;

такомиллаштирилган сих-стерженли остеосинтез мосламаси тизза қопқоғини физиологик ҳолатда фиксация қилиши бўғим ичи юмшоқ тўқималарида қайта чандиқланиш ва пателло-феморал артрозини олдини олиши исботланган;

тизза бўғими артроскопияси ёрдамида *m.gracilis* пайи билан аутопластика қилиш ва биодегидрогенизацияловчи шуруп орқали стабилизациялаш комбинацияси тизза бўғимини иммобилизация муддатининг қисқариши ва тизза қопқоғининг 2-3 даражадаги силжишлари рецидивларини бартараф этиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тизза бўғими одатий чиқиши бўлган беморларда тизза қопқоғининг медиал юзасидаги юмшоқ тўқималар жарохати хажми ва силжиш даражасини ҳисобга олган ҳолда оператив даволаш усулларини дифференциал танлаш орқали комплекс ўтказиладиган жаррохлик амалиёти тизза бўғими функцияларини операциядан кейин эрта тикланишига имкон бериши исботланган;

клиник ва диагностик мезонлари ва соннинг дистал қисмидаги медиал юзаси жарохати ва силжиш даражаси ҳисобга олган ҳолда оператив даволаш тактикасини аниқлаш тартиби таклиф этилган;

модификация қилинган сих-стерженли остеосинтез, тизза қопқоғининг артроскопияси, *m.gracilis* пай боғлами аутопластикаси, биодегидрогенизацияловчи шуруп ёрдамида стабилизациялаш орқали бажариладиган, жаррохлик амалиёти эрта муддатларда реабилитация тадбирларини ўтказишга имкон туғдирувчи оператив даволаш тактикаси такомиллаштирилган;

тизза қопқоғи одатий чиқишини таклиф этилган тасниф асосида математик ёндашув орқали хирургик оператив даволаш тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги клиник, УТТ, МРТ, ЭМГ ва рентгенологик усулларнинг қўлланилиши, олинган натижаларнинг статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти тизза бўғими одатий чиқишида тизза қопқоғини медиал юзасида бўғим ташқарисида *m. gracilis* боғламини ўтказиш мақсадида туннел яратиш ва тайёрланган пайдан ҳосил қилинган боғламнинг капсула ва ташқи фасцияни орасидан ўтказиб, сон суягини медиал думбоқчасига биодегидрогенизацияловчи шуруп ёрдамида тизза қопқоғини фиксациялашдан иборат бўлган жаррохлик усули ишлаб чиқилганлиги, УТТ ва МРТ ўзгаришлари назарий билимларига ёндашиш орқали оператив даволаш усулларини оптимизациялаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти тизза бўғими одатий чиқишилар бўйича силжиш даражасини ҳисобга олувчи математик ишлаб чиқилган формула таснифи, оператив даволаш тактикасини танлаш ва даволаш жараёни ижобий натижасига эришиш, тизза бўғими одатий чиқишини даволаш тактикасини танлашда диагностик усул ва алгоритм ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўтказилган тизза бўғими одатий чиқишларини диагностикаси ва даволаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

тизза қопқоғининг одатий чиқишларини даволаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган ихтирога Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган «Тизза қопқоғининг посттравматик чиқишларини оператив даволаш услуги» учун (IAP 05897-сон патенти, 19.07.2019 йил). Олинган натижалар даволашнинг яқин ва узоқ натижаларини 96,4%гача яхшиланишига, операциядан кейинги асоратларнинг 2,2 баробар камайишига олиб келган;

тизза қопқоғининг одатий чиқишларини даволаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тизза қопқоғи чиқишларини даволаш учун яратилган мослама» учун Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модельга патенти олинган (FAP 00739-сон патенти, 19.06.2012 йил). Олинган натижалар тизза қопқоғи стабиллигига 93,1%гача эришишга олиб келган;

тизза қопқоғининг одатий чиқишларини даволаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида «Тизза қопқоғининг одатий чиқишлари диагностикаси ва оператив даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 8-н-д/137-сон маълумотномаси). Олинган маълумотлар ТҚ одатий чиқиши натижаларини яхшилашга имконини берган.

ТҚ одатий чиқиши мавжуд беморларни диагностика қилиш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Хоразм кўп тармоқли вилоят тиббиёт маркази, Наманган вилояти кўп тармоқли клиник шифохонаси, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали амалиётига тадбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 8н-д/137-сон маълумотномаси). Олинган натижалар одатий чиқишлари мавжуд беморларда одатий чиқиш рецидивини йўқотишга ва тизза бўғими функцияларини 96,4% яхшиланишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3таси халқаро ва 7таси республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар ва асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, жумладан, 4таси республика ва 1таси хорижий журналларда нашр этилган. 1та ихтиро ва 1та фойдали модельга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, изланишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқот амалий натижалари, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг жорий қилиниши, муҳокамадан ўтказилиши ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тизза қопқоғининг одатий чиқишларини диагностика ва даволаш муаммосини замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида ўрганилган адабиётлар таҳлили келтирилган. Бу бобда ТҚ одатий чиқишлар муаммосини замонавий таҳлили юзасидан қуйидагиларга эътибор қаратилган: ТҚ одатий чиқишлар кенг тарқалганлиги, этиопатогенези, таснифи, чиқишлар юзага келишидаги клиник хусусиятлари, инвазив ва ноинвазив диагностикаси, амалда фойдаланилаётган оператив усуллар таҳлили ва батафсил ўрганилишига ва ТҚ одатий чиқишлар диагностикаси ва даволаш муаммоларига бағишланган тиббий адабиётлардаги маълумотлар таҳлил қилинган, амалда фойдаланилаётган оператив усуллар ва узоқ муддатдаги асоратлар сабаблари тасвирланган.

Диссертациянинг «**Тизза қопқоғининг одатий чиқишлари диагностикаси ва даволаш бўйича клиник материаллар ва тадқиқот**

усуллари характеристикаси» деб номланган иккинчи бобида беморлар характеристикаси, клиник материаллар, инструментал (рентгенография, ЭМГ, УТТ, МРТ) ва статистик текширувлар Excel 7.0 программаси ёрдамида ўтказилган. 2005-2018 йилларда ТҚ одатий чиқишлари билан даволанган 219 нафар беморлар ичида (69 нафари эркак, 150 нафари эса аёллардир, уларни ўрта ёши - 23,9±0,64ни ташкил қилди.

Назорат гуруҳини 2005 йилдан 2011 йилгача 26 (11,8%) даволанган беморлар контингенти ташкил этди. Барча беморлар Крогиус-Архипов усули бўйича артропластика қилинган. Асосий гуруҳга 2009 йилдан 2018 йилгача даволанган 193 (89,2%) беморлар олинган. Улардан 116 (52,9%) нафарига тизза бўғими артроскопияси ва Ямомото усулида юмшоқ тўқималар пластикаси амалиёти бажарилган; шулардан 49 (22,4%) нафарига тизза бўғими артроскопияси, Ямомото усули+клиника усулида сик-стерженли фиксация бажарилган; 28 (12,8%) нафар беморга эса тизза бўғими артроскопияси, *m. gracilis* пайдан тизза қопқоғини аутопластика стабилизацияси ва биодегидрогенизацияловчи шуруп билан маҳкамлаш ўтказилган.

Тизза қопқоғини мустаҳкамлаб турувчи медиал гуруҳидаги стабилизаторлар, юмшоқ тўқималар жароҳатланишини даволаш усулини танлашда асосий омил бўлиб хизмат қилди.

ТҚ одатий чиқиши мавжуд бўлган 219 нафар беморлардан 98 (44,7%) нафарига (*lig. patella-femoralis medialis*) шикастланиши кузатилган; шулардан 91 (78,5%) беморга «Тизза бўғимини артроскопияси ва Ямомото усулида пластика» операцияси ўтказилган; назорат гуруҳига киритилган 7 нафар беморда Крогиус-Архипов усулида операция ўтказилган. 76 (34,7%) нафар беморда *m.vastus medialis*ни шикастланиши аниқланган; назорат гуруҳидаги 10 (38,5%) беморга Крогиус-Архипов усулида операция ўтказилган; 20 (17,2%) беморга «Тизза бўғими артроскопияси +Ямомото усулида ўтказилган»; 41 (83,7%) нафар беморга «Тизза бўғимини артроскопияси, Ямомото усулида пластика + сик-стерженли клиника усулида фиксация»; қолган 5 нафар (17,8%) беморга «Тизза бўғимини артропластикаси+*m.gracilis* пай боғлами билан аутопластика биодегидрогенизацияловчи шуруп билан стабилизация қилинди». 45 (20,6%) беморда *retinakulum patella mediale* мушак шикастланиши ва дефекти аниқланган; 9 (34,6%) беморга Крогиус-Архипов усулида операция ўтказилган; 5 (4,3%) беморга «Тизза бўғими артропластикаси + Ямомото усулида пластика» операцияси ўтказилган; 8 (16,3%) беморга «Тизза бўғими артропластикаси, Ямомото усулида пластика + клиника усулида сик-стерженли фиксация ўтказилган»; 23 (82,2%) нафар беморга тизза бўғими артроскопияси+ *m. gracilis* пай боғлами, биодегидрогенизацияловчи шуруп билан стабилизацияланган.

Тавсия этилган тизза қопқоғи чиқишлари классификацияси шикастланган жараённинг индивидуал хусусиятларини аниқлаб, даволаш тактикасини осон танлашга ёрдам беради. Бу классификация 27.12.2019 йилда DGU №7638 билан Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулки агентлигида рўйхатга олинган. Классификацияда чиқишлар этиологияси, кузатилган вақти, ТҚ силжиш йўналиши, клиник симптоматикаси, тизза қопқоғини текислигига нисбатан ностабиллик даражаси, шикастни юзага келиш сабаблари кўра тақсимланган.

Шундай қилиб, тизза қопқоғини чиқиши этиологияларига асосан, туғма чиқиш ва травма сабабларга кўра ажратилди ва шикастланишга балл берилиб баҳолаш тавсия этилган, баллар йиғиндисини жароҳат категорияси нисбатига бўлиниши натижасида олинган балл тизза қопқоғи чиқишини тиклаш учун операция тури танлашга эришилади, натижада кам балл йиғилганда кам жароҳатли тактика қўлланилишига сазовор бўлинади.


Диссертациянинг «Тизза бўғимини оператив даволашда клиник материаллар таҳлили» деб номланган учинчи бобида асосий гуруҳдаги тизза қопқоғи медиал юзасидаги юмшоқ тўқималарни шикастланиши ва силжиш даражаси асосланиб, оператив даволаш усуллари асосий гуруҳда ёритилган ва қуйидаги операция техникалари бажарилган.

1. «Тизза бўғимини артроскопияси ва Р.К. Ямамото (1986) усулида пластика» операцияси тизза қопқоғининг латерал 1 - даражали чиқиши ва тизза қопқоғининг клиник енгил даражали силжишида қўлланилди.

2. «Тизза қопқоғи артроскопияси, Ямамото усулида пластика + клиник усулда сик-стерженли фиксация» операция тизза қопқоғининг 2-даражали латерал одатий чиқиши ва клиник ўрта даражали тизза қопқоғининг силжишида бажарилади.


Бемор оёғига антисептиклар билан ишлов берилади ва асептик ҳолда тизза бўғими артроскопияси амалга оширилади. Тизза бўғими ревизия қилинади, визуал назоратида тизза бўғимининг латерал бўлимидаги капсуласи, синовиал қобикни шикастланмаган ҳолда, гипертрофик ва чандиқли тортмалар кесилади (латерал релиз). Тизза бўғимини медиал қисмида ретинакулум орқали, лавсан ишлар билан чоклар қўйилади, тугунлар тортилади ва тизза қопқоғининг медиал стабилизаторларини мустахкамланишига қодир бўлувчи, капсула қисми бурмаланади. Проекция белгиларига асосланиб, мушак ва пайларига тегмай, резьба кесилган стерженлар билан (дрель ёрдамида) сон суягининг ташқи дўнгчасини тагига ўрнатилади. Олдин бурчакли планкага болт, гайка ва шайбалар тешиклар орқали қотирилади, кейин бурчакли планкани юқори кронштейнига болт, гайка ва шайба билан қотирилади. Шундан сўнг тизза қопқоғининг ташқи томонидан ичкарига таянч устунли майдончаси бор 2та сик ўтказилади. Устунли майдончали симлар фиксаторлар ёрдамида қотирилади. Ички кронштейнга фиксация қилинади, пастки кронштейн болт, гайка ва шайбалар ёрдамида тешиклар орқали юқоридаги кронштейнга боғланади. Узайтирилган тирқиш ҳисоби туфайли, тизза қопқоғи медиал ва пастга туширилган ҳолатда ушлаб турилишини осонлаштирилади. Тавсия этилаётган ташқи фиксация мосламаси тизза қопқоғини медиал ва пастга туширилган ҳолатда ушлаб туришга имкон беради (1-расм).

Операциядан сўнг 2 ҳафта махсус гипсли лонгет боғлам билан фиксация қилинади. 2-кундан бошлаб, УВЧ-терапия ва сонни тўртбошли мушагини пассив тарангловчи машқлар қўшиб, тизза бўғимини пассив ишлатиш ҳаракатлари ўтказилади. 5-чи куни беморлар касалхонадан жавоб берилади. 8-9 кундан бошлаб беморлардан гипс боғлами ечилади, тизза бўғимини буқиш ва ёзишга рухсат берилади (фойдали модельга патент FAP №00739).



1 - расм. Тизза қопқоғининг фиксация қилиш мулжалланган мосламани схематик куриниши.

3. «Тизза бўғими артроскопияси+m.gracilis пай боғлами билан аутопластикаси, биодегидрогенизацияловчи шуруп билан стабилизациялаш» операцияси 3-даражали латерал одатий чиқиши ва клиник оғир даражали тизза қопқоғининг силжишида бажарилди. Бемор умумий анестезия остида операция жараёни антисептиклар билан 3 марта ишлов берилади ва стандарт артроскопия орқали тизза қопқоғини юзаси диагностика қилинади. Сўнг катта болдир ғадир-будирлигидан медиал 3 см тери кесилиб, юмшоқ тўқималар очилади ва m. gracilis пайи махсус мослама билан 20-24 смли ауто трансплантат олиниб, 18-22 смли боғлам ясалади. Тизза қопқоғи медиал қиррасидан суяк маркази томон йўналишда ўзаро кесишган ҳолда 45° остида 2та туннел ўтказилади. Туннел орқали m. Gracilisдан ҳосил қилинган трансплантат олиб ўтилади. Артроскопия остида, қайчилар ёрдамида тизза қопқоғининг чандиклашган латерал стабилизаторлари кесилиб, релиз қилиниб, мобилизацияланади. Сўнг сон суяги медиал дўнглиги соҳасида, горизонтал йўналишда (болаларда ўсиш зоналарига зарарламаган ҳолда), канал ҳосил қилинади. Каналга трансплантат киритилади ва тизза қопқоғи табиий ўрнида жойлаштирилган ҳолда, трансплантат биодегидрогенизацияловчи шуруп билан қотирилади. (2- расм, а,б,в,г,е). Жароҳат антисептиклар билан ювилиб, чоклар ва асептик боғлам қўйилади. Беморга этикча гипсли боғлами 180° 4 ҳафтага қўйилади.



2-расм. Тизза қопқоғининг одатий чиқишини аутопластик стабилизацияси усулини кетма-кет бажарилиши схемаси: а) бириктирилган жойда m. gracilis пай боғламини дистал учини топиш; б) m. gracilis пай боғламини ажратиш; в) m. gracilis пай боғламидан боғлам яратиш; г) трансплантат учун горизонтал йўналишда канал ҳосил қилиш; е) трансплантатни биодегидрацияловчи шуруп билан қотириш (ихтиро IAP 05897).

Диссертациянинг «Тизза қопқоғи одатий чиқишининг клиник-инструментал даволаш усуллариининг натижалари» деб номланган тўртинчи боби ТК одатий чиқишини операциягача ва кейин бўлган инструментал (рентген, УТТ, ЭНМГ, МРТ) усуллариининг натижаларига бағишланган.

Асосий гуруҳда, операциягача ва ундан кейинги рентген ва МРТ мезонлари баҳоланган. Тизза қопқоғи одатий чиқишларини даволашда олинган маълумотлар: оғиш бурчаги кўрсаткичлари операциягача $124,5^{\circ} \pm 0,39^{\circ}$ (шахсий кўрсаткичлар кенглиги (ШКК) 115° - 130°), операциядан сўнг $143,5^{\circ} \pm 0,45^{\circ}$ (ШКК 128° – 150°), шахсий боғламни латерализацияси операциягача $15,2^{\circ} \pm 0,61^{\circ}$ (ШКК 9° - 28°), шундан сўнг- $168^{\circ} \pm 0,18^{\circ}$ (ШКК 15° - 22°); Q-бурчаги 1- даражали беморларда операциягача - $21,8^{\circ} \pm 0,2^{\circ}$ (ШКК 18° - 26°) ва операциядан сўнг - $16,6^{\circ} \pm 0,16^{\circ}$ (ШКК 13° - 20°), Insall – Salvati индекс операциягача $1,1^{\circ} \pm 0,03^{\circ}$ (ШКК $1,07^{\circ}$ – $1,15^{\circ}$), операциядан кейин $1,05^{\circ} \pm 0,001^{\circ}$ (ШКК $1,01^{\circ}$ - $1,1^{\circ}$), Wiberg – Baumgartl бўйича тизза қопқоғининг очилиш бурчаги операциягача $111,7^{\circ} \pm 0,4^{\circ}$ (ШКК 103° - 118°) операциядан сўнг $126,2^{\circ} \pm 0,44^{\circ}$ (ШКК 115° - 132°), Merchant бўйича конгруэнтлик бурчаги операциягача $11^{\circ} \pm 0,12^{\circ}$ (ШКК 9° - 14°), операциядан сўнг $8,2^{\circ} \pm 0,08^{\circ}$ (ШКК 7° - 10°), тизза қопқоғини эгилиш бурчаги операциягача $1,7^{\circ} \pm 0,01^{\circ}$ (ШКК $1,4^{\circ}$ - $1,9^{\circ}$), операциядан сўнг $1,95^{\circ} \pm 0,005^{\circ}$ (ШКК $1,8^{\circ}$ - $2,0^{\circ}$), Laurin бўйича пателло– феморал индекси операциягача $1,32^{\circ} \pm 0,011^{\circ}$ (ШКК $1,1^{\circ}$ - $1,6^{\circ}$), операциядан сўнг $1,56^{\circ} \pm 0,004^{\circ}$ (ШКК $1,5^{\circ}$ - $1,6^{\circ}$). Асосий гуруҳда 1-чи техника операциядан сўнг, рентген ва МРТ мезонларига қарашли кўрсаткичлар меъёрдан паст бўлганлиги сабабли, оддий чиқишни 2- чи даражали беморларда тизза бўғимини фаолиятини қайта тикланиши тўлиқ бўлмаган.

Асосий гуруҳда 49 нафар 2-техника операциясидаги беморларга Ямомото усулли бўйича тизза бўғимини артроскопия+клиника усулида сик-стерженли остесинтез ўтказилган. Ушбу гуруҳдаги бемоларни ётган ҳолатда тизза қопқоғини бурчаги операциягача $116,3^{\circ} \pm 0,65^{\circ}$ тенг бўлди (шахсий кўрсаткичлар кенглиги 110° - 128°), операциядан сўнг $141,6^{\circ} \pm 0,67^{\circ}$ (ШКК 135° - 152°), шахсий боғламни латерация бурчаги операциягача $22,1^{\circ} \pm 0,73^{\circ}$ (ШКК 10° - 28°), операциядан сўнг $16,6^{\circ} \pm 0,13^{\circ}$ (ШКК 15° - 18°), Q бурчаги операциягача $26,8^{\circ} \pm 0,43^{\circ}$ (ШКК 21° - 32°), операциядан сўнг $15,5^{\circ} \pm 0,13^{\circ}$ (ШКК 13° - 17°), Insall Salvati индекс операциягача $1,13^{\circ} \pm 0,005^{\circ}$ (ШКК $1,08^{\circ}$ - $1,21^{\circ}$), после операциядан сўнг $1,04^{\circ} \pm 0,001$ (ШКК $1,01^{\circ}$ - $1,06^{\circ}$), Wiberg – Baumgartl бўйича тизза қопқоғининг очилиш бурчаги операциягача $106,3^{\circ} \pm 0,6^{\circ}$ (ШКК 103° - 116°), операциядан сўнг $131,2^{\circ} \pm 0,75^{\circ}$ (ШКК 120° - 140); Merchant бўйича конгруэнтлик бурчаги операциягача $13,4^{\circ} \pm 0,3^{\circ}$ (8° - 16°), операциядан сўнг $7,97^{\circ} \pm 0,1^{\circ}$ (ШКК 7° - 9°), тизза қопқоғининг эгилиш бурчаги операциягача $1,48^{\circ} \pm 0,02^{\circ}$ (ШКК $1,2^{\circ}$ - $1,8^{\circ}$), операциядан сўнг $1,99^{\circ} \pm 0,01^{\circ}$ (ШКК $1,8^{\circ}$ - $2,1^{\circ}$), Laurin бўйича пателло – феморал индекси операциягача $1,18^{\circ} \pm 0,02^{\circ}$ (ШКК $0,9^{\circ}$ - $1,5^{\circ}$), операциядан сўнг $1,59^{\circ} \pm 0,008^{\circ}$ (ШКК $1,5^{\circ}$ - $1,7^{\circ}$). Қуйидаги гуруҳда барча рентген ва МРТ кўрсаткичлари нормага тушди.

Операциянинг 3-чи техникаси асосан тизза қопқоғини одатий чиқишини 3-чи даражали беморларда қўлланилди. Ушбу гуруҳ беморларини кўрсаткичлари тубанда кўрсатилгандай аниқланди: операция техникасига қараганда тизза қопқоғининг оғиш бурчаги операциягача $105,2^{\circ} \pm 0,68^{\circ}$ ни ташкил этди (шахсий

кўрсаткичлар кенглиги 102° - 116°), операциядан сўнг $145,9^{\circ}\pm 0,99^{\circ}$ (ШКК 140° - 158°), шахсий боғламни латерация бурчаги операциягача $45,8^{\circ}\pm 1,26^{\circ}$ (ШКК 19° - 50°), операциядан сўнг $17,2^{\circ}\pm 0,15^{\circ}$ (ШКК 16° - 18°); Q бурчаги операциягача $34,8^{\circ}\pm 0,71^{\circ}$ (ШКК 24° - 40°), операциядан сўнг $16,3^{\circ}\pm 0,18^{\circ}$ (ШКК 15° - 18°); Insall Salvati индекси операциягача $1,20^{\circ}\pm 0,003^{\circ}$ (ШКК $1,14^{\circ}$ - $1,24^{\circ}$), операциядан сўнг $1,04^{\circ}\pm 0,002^{\circ}$ (ШКК $1,02^{\circ}$ - $1,06^{\circ}$), Wiberg – Baumgartl бўйича тизза қопқоғининг эгилиш бурчаги операциягача $94,8^{\circ}\pm 0,7^{\circ}$ (ШКК 90° - 104°), операциядан сўнг $131,9^{\circ}\pm 1,1^{\circ}$ (ШКК 120° - 140°) Merchant бўйича конгруэнтлик бурчаги операциягача $16,9^{\circ}\pm 0,19^{\circ}$ (шахсий курсаткичлар кенглиги 15° - 19°), операциядан сўнг $8,03^{\circ}\pm 0,11^{\circ}$ (7° - 9°), тизза қопқоғининг эгилиш бурчаги операциягача $1,18^{\circ}\pm 0,03^{\circ}$ (ШКК $0,8^{\circ}$ - $1,5^{\circ}$), операциядан сўнг $2,0^{\circ}\pm 0,12^{\circ}$ (ШКК $1,9^{\circ}$ - $2,1^{\circ}$); Laurin бўйича пателло–феморал индекси операциягача $0,94^{\circ}\pm 0,02^{\circ}$ (ШКК $0,8^{\circ}$ - $1,3^{\circ}$), операциядан сўнг рентгенологик и МРТ тикланиш даражаси $1,59^{\circ}\pm 0,012^{\circ}$ (ШКК $1,5^{\circ}$ - $1,7^{\circ}$) ташкил этди.

Шундай қилиб, назорат гуруҳи беморларга жароҳатланиш даражасини ва юмшоқ тўқималардаги посттравматик ўзгаришлари ҳисобга олинмай, даволашнинг 1- техникаси қўлланилган; шунинг учун ушбу гуруҳ беморларини рентген ва МРТ мезонлари тўла меъёрга тушмади, қолдиқ асоратлар кузатилди. Асосий гуруҳ беморларга эса тизза қопқоғи чиқиш даражаси ва медиал юзасидаги юмшоқ тўқималар шикастланиш турини ҳисобга олиб даволаш, тизза бўғимини нормал тикланишига ва операциядан сўнгги асоратларини камайишига эришилди.

Меъёردа шахсий сонографик тизза қопқоғи боғлами, чизиқли гиперэхогенли тузилма сифатида аниқланади. Бунда ТҚ медиал юзаси тўқималарини –*Lig. patella-femoralis medialis*, *m.vastus medialis* ва *retinaculum patella mediale* ҳолати катта аҳамиятга эга, чунки даволаш усулини танлашда ушбу тўқималарни шикастланиши катта ўрин тутди. УЗИ ёрдамида - *Lig.patella femoralis medialis* юзасининг ТҚ шикастланиш даражаси аниқланади. Шу жиҳатдан *Lig. patella femoralis medialis*ни анатомик бутунлигига қараб, 1-чи даража қўйилади; агар боғлам нуқсонсиз бўлиб, узилмаганлиги аниқланса - 2 даража қўйилади; боғлам тўла узилиб, нуқсонли бўлса, 3- даража қўйилади. Тизза қопқоғининг боғламида латерал томонга ҳам силжиш аниқланса, шунга қараб юқорида кўрсатилган шикастланиш даражаларга ажратилади.

Операциядан сўнгги даврда УТТ текширувида назорат гуруҳидаги 7 (26,9%) нафар беморда *Lig.patella femoralis medialis* қайта тикланмади, уни ўрнида чандиқланиш кузатилди ва беморларни 5 нафарида *retinaculum patella mediale*ни нуқсонини тўла битмаганлиги билинди. Шунинг учун ушбу беморларда тизза қопқоғининг эгилиш бурчаги паст кўрсаткичларга эга бўлди. 14 (53,8%) нафар беморларда тўлиқ, яъни юмшоқ тўқималарни анатомик тикланиб кетиши кузатилди.

Тизза бўғими артроскопияси ва Ямомото усулида операция бажарилган 14 (12,1%) нафар беморда, ТҚ медиал юзаси юмшоқ тўқималарининг чандиқланиши *Lig. patella femoralis medialis*ни қайта тикланиш тўлиқ бўлмаганлиги, гипермобиллик ёки ностабиллик кузатилди. Кейинги 2-техника

операциясидан сўнг асосий гуруҳда УТТ текширувида юмшоқ тўқималарни қайта тўлиқ тикланганлиги ва тўлиқ битиб кетганлиги қайд қилинди.

Оёқ мушакларини ҳолати, электромиографик текширув билан биргаликда, операциягача ва кейинги, беморларда аниқланиб келинди. Операциядан кейинги даврда ЭМГ текширувларда ҳаракатланиш бирлигини потенциали (ХБП) кўрсаткичлар назорат гуруҳда асосий гуруҳга нисбатан анча пастроқ бўлди, чунки назорат гуруҳини беморларида операция қилинган жараёнда мушаклар тўла тикланмаганлиги ва чандиклар мавжудлиги кузатилди шу туфайли мушаклар ХБПсини кўрсаткичлари қуйидагидек бўлди:

Назорат гуруҳида операциянинг 1 техника операциясида *m.biceps femoris* $10,36 \pm 0,4$ (ШКК 10,1-10,6), асосий гуруҳда 1 – техникасида *m.biceps femoris* $10,5 \pm 0,04$ (ШКК 10-12,2) 2 – техника операциясида $10,47 \pm 0,06$ (ШКК 10,1+11,6), 3 – техника операциясида $10,65 \pm 0,07$ (ШКК 10,4-11,9) аниқланди.

Ҳар иккала гуруҳнинг ХБПси ЭМГда тектирилганда *m.vastus medialis*ни кўрсаткичлари паст бўлганлигини билдирди, унинг сабаби тизза қопқоғининг чиқишида ушбу мушакнинг тез-тез шикастланиши аниқланди. Назорат гуруҳда кўрсаткич $9,55 \pm 0,04$ (шахсий курсаткичлар кенглиги 9,3-10,3), асосий гуруҳда – операциянинг 1 – техника операциясида $10,3 \pm 0,03$ (ШКК 9,8+11,6), 2 – техника операциясида $10,3 \pm 0,05$ (ШКК 10-11,4), 3- техника операциясида $10,2 \pm 0,06$ (ШКК 10,0-11,3), назорат гуруҳда *M. vastus lateralis* $10,1 \pm 0,06$ (шахсий курсаткичлар кенглиги - 9,8-10,9), операциянинг 1 – техника операциясида - $10,5 \pm 0,04$ (ШКК 10,0-12,3), 2 – техника операциясида $10,45 \pm 0,06$ (ШКК 10,1-12), 3- техника операциясида ХБП $10,3 \pm 0,07$ (ШКК 10,1-11,4). *M. tibialis anterior* назорат гуруҳда $10,2 \pm 0,06$ (шахсий курсаткичлар кенглиги (9,9-11,0), асосий гуруҳда оперцияни 1-техника операциясида ХБП кўрсаткичи $10,3 \pm 0,04$ (ШКК 9,9-12,1), 2 - техника операциясида - $10,26 \pm 0,06$ (ШКК 9,9-11,8), 3- техника операциясида - $10,13 \pm 0,07$ (ШКК 9,91-1,2).

Диссертациянинг «Тизза қопқоғи одатий чиқишлари мавжуд бўлган беморларни оператив даволаш натижалари» деб номланган бешинчи боби асосий гуруҳда ўтказилган операциялар ва назорат гуруҳидаги операциялар натижаларини ретроспектив маълумотларига бағишланган. Тизза қопқоғини чиқиш даражаси, унинг силжиши ва медиал юзаси юмшоқ тўқималарини шикастланиши баҳолаш мезони сифатида хизмат қилди. Клиник-рентгенологик, инструментал маълумотларга асосланиб, тизза қопқоғининг одатий чиқишларини оператив даволаш тактикаси танланган (№ DGU 7640).

Яқин (1 йилгача) ва узок (1 йилдан кўпроқ) оператив даволаш натижаларни таҳлили ўтказилди. ТҚ одатий чиқишини даволаш операциясидан олдинги ва кейинги даврларда пайдо бўлган асоратлар натижаларини баҳолашда *Kujala* сўровномаси ва *Лисхольмни* ўлчов жадвалидан фойдаланилди.

Назорат гуруҳидаги беморларда *U.M. Kujala* сўровномасига кўра яқин натижаларда – “оқсоқланиш ва ушлаб туриш”, “тизза қопқоғи, тейп, брейс” -ўрта балл $4,76 \pm 0,12$ тенг бўлди (шахсий кенглик кўрсаткичи 3-5); узок натижаларда - $4,92 \pm 0,07$ (ШКК 3 -5); ушбу гуруҳ беморларда “юриш”- мезони яқин натижаларида $2,88 \pm 0,17$ (ШКК 2-5) балл узок натижаларида $4,30 \pm 0,19$ (ШКК 3-5) бўлди; “зинапоя”- мезони яқин натижаларида $-7,46 \pm 0,36$ (ШКК 5-10), узок

натижаларида $9,23 \pm 0,19$ (ШКК 8-10); “ўтиришлар” мезонида яқин натижаларида $4,23 \pm 0,13$ (ШКК 3-5), узоқ натижаларида $4,84 \pm 0,07$ (ШКК 4-5) яхшиланиш ҳисобига; “югуриш” мезонида яқин натижаларида $8,15 \pm 0,22$ (ШКК 6-1), узоқ натижаларда $9,69 \pm 0,14$ (ШКК 8-9); “сакраш” мезони бўйича У.М. Кујала сўровномаси бўйича - яқин натижаларда $7,38 \pm 0,31$ (ШКК 7-10), узоқ натижаларида $9,65 \pm 0,19$ (ШКК 7-10); “оёқни букиб ўтиришда” яқин натижаларда $8,23 \pm 0,23$ (ШКК 6-10), узоқ натижаларда $9,69 \pm 0,14$ (ШКК 8-10); “симптомли” яқин натижаларида $-8,0 \pm 0,15$ (ШКК 8-10), узоқ натижаларида $9,53 \pm 0,16$ (ШКК 8-10) баллга баҳоланди; “шиш” симптоми яқин натижаларида $8,69 \pm 0,33$ (ШКК 6-10), узоқ натижаларида $9,46 \pm 0,17$ (ШКК 8-10);

